

Abdulaziz M. YAKHSHILIKOV,
Research fellow of Imam Maturidi
International Scientific Research Center.
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: abduazizyaxshilik@gmail.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022/3/7

**“САБАБИ НУЗУЛ” ИЛМИНИНГ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИНГ
АҲАМИЯТИ**

**THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE
SCIENCE “SABAB AN-NUZUL” AND ITS
SIGNIFICANCE**

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ НАУКИ
“ОБСТОЯТЕЛЬСТВА НИСПОСЛАНИЯ”
И ЕЕ ЗНАЧЕНИЕ**

КИРИШ

Қуръон илмлари орасида оятларнинг нозил бўлиш сабаблари, уларнинг нима мақсадда нозил қилингани, уларнинг ваҳий қилинишига қандай воқеа ёки ҳодиса сабаб бўлганини ўрганувчи илм “Асбоб ан-нузул” деб номланади.

Ҳеч қандай сабабсиз, бирон воқеага боғлиқ бўлмаган ҳолатда нозил қилинган оятлар ҳам мавжуд. Бундай оятларда фақатгина тўғри йўл кўрсатиш назарда тутилган бўлади. Чунки, Қуръони карим инсониятнинг ҳидояти, уларни тўғри йўлга бошлаш мақсадида нозил қилинган. Унинг асосини Аллоҳга ва Унинг расулига имон келтириш, итоат этиш, қиёмат кунига ишониш кабилар ташкил этади. Бундай оятлар жуда кўп бўлиб, ўтган пайғамбарлар ва ўтмишда ўтган умматларнинг қиссалари, қиёматга доир хабарлар ва шу каби бошқа мавзуларга бағишланган.

Биронта сабабга боғлиқ равишда нозил қилинган оятлар ҳақида шуни айтиш мумкинки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалар иштирокида ўтган бирор-бир ҳодисага аниқлик киритиш, саҳобалар орасида тарқалган икки хил фикрдан тўғриси билдириш, муайян саволга жавоб бериш, бирор-бир амал ёки фикр юзасидан шарият ҳукмини қанақалигини кўрсатиш каби омиллар оят нозил бўлишига сабаб бўлган.

Муаян сабабга боғлиқ ҳолатда нозил қилинган оятларнинг ҳаммасини ҳам аниқлашнинг имконияти йўқ. Чунки, бу нарса уламоларга етиб келган аниқ хабарлар, саҳиҳ ривоятлар, мутаовтир

нақлларга боғлиқ. Бинобарин, бу борада келган ана шундай хабар, ривоят ва нақлларгина олинади. Шунга кўра буларнинг барчасини ўрганадиган ҳамда натижаларни таҳлил қиладиган “Сабаби нузул” илми пайдо бўлди. Бу илм Қуръони карим оятларини тўғри фаҳмлаш ва талқин этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ислом тарихида ўтган олимлар томонидан “Сабаби нузул” илмининг долзарблиги ва аҳамияти борасида кўплаб фикрлар билдирилган. Жумладан, Имом Абу Исҳоқ Шотибий (ваф. 790/1388) оятларнинг нозил бўлиши сабабини билишнинг иккита фойдасини санаб ўтган. Биринчидан, ундан хабардор бўлиш Қуръони каримнинг мўъжизакорлигини англашга ёрдам беради, бошқа томондан, у ҳақда талаб даражасида билимга эга бўлмаслик муфассирни шубҳа ва иккиланишга олиб боради. Чунки, сўзларнинг маъносини тўғри ифодалаш, хитоб қилинаётганлар ким эканини билиш, оят нималар тўғрисида ҳукм чиқараётганидан бохабар бўлиш, ҳукмларнинг шариятга жорий қилинишида Аллоҳ таолонинг қандай ҳикматлари борлигини англаб етиш унинг нозил бўлиш сабабларини ўрганиш орқалигина юзага чиқади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Нозил бўлиш сабабларини билиш оятнинг маъноларини аниқ ва чуқур англашда муҳим аҳамият касб этади. Бунда бирор нарса ёки кимсага хосланган ҳукмларни аниқлаш, зоҳирий маъно билан чеклаиб қолмаслик имкони бўлади. Мусулмон бўлмаганлар ҳақида нозил бўлган оятларни мусулмонларга татбиқ қилишдан сақланилади.

Имом Воҳидий (ваф. 468/1076): “Оятнинг нозил бўлиши сабаби ва қиссасидан воқиф бўлмасдан унинг тафсирини билиш мумкин эмас”, деган. Ибн Дақиқ Ийд (ваф. 702/1302) эса: “Оятнинг нозил бўлиш сабабини баён этиш Қуръон маъноларини фаҳмлашда энг кучли йўл” деб таъкидлаган.

Имом Бухорий ва Табарий нақл қилган ривоятда Ибн Умар (ваф. 73/693) хаворижларни инсонларнинг энг ёмони деб ҳисоблаган. Чунки улар ғайри динлар тўғрисида нозил қилинган оятларни мўминлар ҳақида деб изоҳлар эдилар.

Имом Заркашийнинг “ал-Бурҳон фи улум ал-Қуръон” китобида айтилишича, Ибн Аббос (ваф. 68/687) халифа Марвон ибн Ҳакам (ваф. 65/685) томонидан бир оят нотўғри изоҳ қилинганида, унга оятнинг нозил бўлиш сабаби бошқа эканини айтиб, унинг изоҳини сабабга қараб тўғрилаб шарҳлаган.

Аннотация. Ҳар бир тарихий воқеа, ижтимоий ҳодиса ёки сиёсий жараёни таҳлил қилишда, унинг ечими юзасидан муайян таклиф ишлаб чиқишда уни юзага келтирувчи сабабларни аниқлаш талаб этилади. Худди шу каби Қуръони каримнинг сура ва оятларининг мазмунини тўлиқ англаш учун уларнинг нозил бўлиши сабабларини билиш зарурий талаблардан ҳисобланади. Бу борада Пайғамбар (с.а.в.) билан доимо бирга юрган саҳобалар табиийки, бошқалардан фарқли ўлароқ, оятларнинг нозил бўлишига оид сабаб ва ҳолатлардан кўпроқ воқиф бўлганлар. Шу боисдан ҳам улар динни теран тушуниши, унинг моҳиятини англаш борасида бошқалардан устун бўлганлар.

Мақолада уламоларнинг сабаби нузулга берган қисқа ва батафсил таърифлари, унинг ваҳий нозил бўлиши билан боғлиқ нақлий илмлар қаторига кириши, бу борада келтириладиган ривоятларнинг ҳадис илми нуқтаи назаридан текшириши, саҳиҳлик даражасини инобатга олишнинг аҳамияти аниқ мисоллар билан ёритиб берилган. Нақлларни қабул қилиш ёки рад этиши учун қўйилган меъёрлар, роя этиши лозим бўлган шартлар келтириб ўтилган. Шунингдек, сабаби нузул илмининг шаклланиши босқичлари, таълиф этилган классик ва замонавий асарлар ҳамда уларнинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.

Бундан ташқари, мақолада сабаби нузулни ўрганиш Қуръонни чуқур англаш, оятларни тўғри изоҳлаш ва замонавий талқинини беришда катта ўрин тутиши ҳақидаги саҳобаларнинг сўзларидан намуналар келтирилган. Айниқса, оятларнинг зоҳиридан келиб чиққан ҳолда тушуниши салбий оқибатларга олиб келгани, ўтмишда хавориж, ҳозирда сохта салафийлар каби фирқалар чиқиб, Қуръон оятларини нотўғри талқин қилишлари сабаб бўлгани ёритилган.

Калит сўз: Сабаби нузул, имон, Қуръон, Расулulloҳ, саҳоба, мўминлар, ҳадис.

Abstract. To analyze each historical event, social event, or political process and develop a specific proposal for its solution, it is necessary to determine the reasons that caused it. In the same way, in order to understand the surahs and many verses of the Holy Qur'an, it is necessary to know the reasons for their revelation. In this regard, the Companions who were always with the Prophet (PBUH) naturally, unlike others, were more aware of the reasons and circumstances related to the revelation of verses. For this reason, they were superior to others in terms of a deep understanding of religion and understanding of its essence.

In the article, the short and detailed definitions given by scholars for the reason of revelation, its inclusion in the ranks of narrative sciences related to the revelation, the importance of examining the narrations in this regard from the point of view of hadith science, and taking into account the level of authenticity, are highlighted with specific examples. The standards and conditions to be followed for accepting or rejecting narrations are mentioned. Also, the stages of the formation of the science of sabab an-nuzul, the ancient and modern works published in this regard, and their specific aspects are revealed.

It is said that the study of the science of revelation plays an important role in the deep understanding of the Qur'an, the correct interpretation of the verses, and its modern interpretation. There are examples from the words of the Companions in the article. In particular, it was explained that understanding the verses only based on their appearance led to negative consequences, and it caused the emergence of sects such as the Khawarij and today's false Salafis and misinterpretation of the Qur'anic verses.

Keywords: Sabab an-Nuzul, Faith, Qur'an, Rasulullah, Companions, Faith, Believers, Hadith.

Аннотация. Для того чтобы проанализировать каждое историческое, общественное событие или политический процесс и выработать конкретное предложение по его решению, необходимо определить причины, вызвавшие его. Точно так же, чтобы понимать суры и многие аяты Священного Корана, необходимо знать обстоятельства их ниспослания. В связи с этим сподвижники, которые всегда были с Пророком (мир ему и благословение), естественно, в отличие от других, были более осведомлены о причинах и обстоятельствах, связанных с ниспосланием аятов. По этой причине они превосходили других в плане глубокого понимания религии и понимания ее сущности.

В статье приведены краткие и подробные определения, данные улемами обстоятельствам получения откровения, включение его в ряды нарративных наук, связанных с откровением, важность рассмотрения хадисов в этом отношении с точки зрения науки хадисоведения и с учетом уровня достоверности выделены конкретными примерами. Упоминаются стандарты и условия, которым необходимо следовать для принятия или отклонения повествований. Также раскрывается причина этапам становления науки о ниспослании, опубликованных древних и современных работах и их специфических аспектах.

Кроме того, в статье приводятся примеры слов сподвижников о том, что изучение откровения Корана имеет важную роль в глубоком понимании Корана, правильном толковании аятов и вынесению современного толкования. В частности, разъясняется, что понимание аятов только на основании их дословного понимания привело к негативным последствиям, а также к возникновению таких сект, как хариджиты, а теперь и ложных салафитов, и неправильному толкованию самих аятов Корана.

Ключевые слова: причина ниспослания, вера, Коран, Посланник Аллаха, сподвижники, вера, верующие, хадис.

Имом Абдурраззоқ ва Байҳақий ҳукм чиқариш борасида сабаби нузулнинг аҳамиятини очиб берувчи бир ривоятни келтирганлар. Унда айтилишича, Умар (ваф. 26/644) ўз амакиваччаси Қудома ибн Мазъун (ваф. 36/657)ни Баҳрайнга иш юзасидан жўнатган. У ердан Жоруд ибн Муалло (ваф. 21/642) исмли бир киши халифа ҳузурига келиб: “Қудома май ичиб, маст бўлди”, деди ва айтган сўзининг ростлигига Абу Ҳурайра (ваф. 59/679) гувоҳлик бериши мумкинлигини айтди. Мўминлар амири Қудомани чорлаб, унга дарра урмоқчи эканини айтганида, Қудома: “Аллоҳга касамки, агар айтганларидек, май ичган тақдиримда ҳам, мени урмаслигингиз керак!” деди. Умар: “Нима учун?” деганида, у Аллоҳ таолонинг **“Имон келтирган ва савобли ишларни қилганлар учун гуноҳ йўқдир...”** (Моида сураси, 93-оят) оятини далил сифатида келтиради. Шунда Умар унга: “Эй Қудома, сен таъвилни хато айтдинг, қачон Аллоҳга тақво қилганимда эди, Аллоҳнинг ҳаром қилган нарсаларидан узоқ бўлар эдинг!”, деб оятдан чиқадиган ҳукмни тушунтирган. Чунки, бу оят баъзи саҳобалар май ҳаром қилинмасдан аввал вафот этган биродарларининг ҳоли нима бўлишини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраган вақтларида нозил қилинган эди. Бу билан май ҳаромлиги қатъий билдирилган оят нозил қилинмасдан аввал май ичиб юриб, дунёдан ўтган мусулмонларнинг гуноҳлари йўқлиги англатилган.

“Сабаби нузул”ни ўрганиш Қуръонни чуқур англашда, оятларни тўғри изоҳлаш ҳамда замонавий талқинини беришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу илмни билмаслик оқибатида араб тилини филологик жиҳатдан биладиган айрим “билағон” кимсалар мушриклар, кофирлар ҳақида нозил бўлган оятларни умумий қилиб талқин ва шарҳ қилаётганлари сир эмас. Илмсиз ҳолда оят маъносини талқин қилиш инсонни эътиқодда адашиб, хорижийлар каби оқимларга қўшилиб қолиши ёки оятнинг асл моҳиятини англаб етмай, фиску фужурга берилишига сабаб бўлиши мумкин.

МУҲОКАМА

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, “Оятнинг нозил бўлиши сабаблари” турлича бўлиши мумкин:

1. Бирор-бир нохуш хато туфайли оят нозил бўлиши. Масалан, маст одамнинг бошқаларга намозда имомга ўтиши ва натижада фотиҳа сурасидан кейин “Кофирун” сурасида “Лаа” сўзини ташлаб ўқигани сабабли “Нисо” сурасидаги маст

ҳолатда намозга яқинлашмаслик ҳақидаги буйруқ оятларининг нозил бўлиши.

2. Аллоҳдан бирор ҳукмнинг келишини хошлаш оқибатида оят нозил бўлиши. Имом Бухорий ҳазрати Умарнинг сўзини шундай нақл қилган: “Уч нарасада Раббимга мувофиқ келдим. “Ё Расулуллоҳ, Иброҳим мақомини намозгоҳ қилиб олсак-чи!” дедим. Шунда “Бақара” сурасининг 125-оят нозил бўлди. “Ё Расулуллоҳ, хотинларингиз олди-га яхши ҳам, ёмон ҳам киради. Уларга ўранишни амр қилинг!” дедим. Ҳижоб ояти нозил бўлди (Аҳзоб сураси, 53-оят). Рашк қилиб хотинлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши бирлашишади. Мен уларга: “У сизларни талоқ қилса, шоядки, Рабби сиздан яхшироқ, муслима, мўмина, итоатли, сертавба, ибодатли, рўзадор жувон ва кизларни ўрнингизга хотин қилиб берса” дедим. Шунда, Таҳрим сурасининг 5-оят шундай маънода нозил бўлган.

3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга берилган саволларга жавоб тариқасида оят нозил бўлиши. Саволнинг маъносига кўра уч турга ажратилади. Биринчиси ўтмишга оид бўлиши мумкин. Зулқарнайн ҳақидаги савол бунга мисол бўлади (Каҳф сураси 83-оят). Иккинчиси ҳозирда билишга оид бўлиши мумкин. Бунга руҳ ҳақидаги саволни мисол қилиб келтириш мумкин (Исро сураси 85-оят). Учинчиси келажакка оид бўлиши мумкин. Қиёмат ҳақидаги савол бунга мисол бўлади (Аъроф сураси 187-оят).

Шуни таъкидлаш лозимки, нозил бўлаётган оят ўша сабабдан сўнг дарҳол ёки бир муддатдан сўнг туширилиши мумкин. Жумладан, қурайшликларнинг руҳ, асҳоби қаҳф ва Зулқарнайн ҳақидаги саволларига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Сизларга эртага хабарини бераман”, деганлар. “Инша Аллоҳ” демаганликлари учун адаб бериш маъносидан Аллоҳ таоло бир оз муддат ваҳийни тўхтатиб қўйди. Расулуллоҳ жуда кийин аҳволга тушиб қолдилар ва қаттиқ сикилдилар. Уч кун ёки ўн беш кун ёхуд қирк кундан сўнг мазкур саволларнинг жавоби ўларок, оятлар ваҳий қилинди. Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бундай деб адаб берди: **«Бирор нарса ҳақида: “Мен, албатта, эртага шуни қилувчиман”, дея қўрманг! Илло, “Аллоҳ хоҳласа” денг. (Бу сўзни) унутган вақтингизда (ёдингизга келиши билан) Раббингизни зикр қилинг (яъни “Аллоҳ хоҳласа”, денг) ва: “Шояд, Раббим мени бундан ҳам яқинроқ Тўғри йўлга ҳидоят этса”, денг!»** (Каҳф сураси, 23–24-оятлар).

Оятларнинг нозил бўлиш сабабини билиш фақатгина саҳиҳ нақл билан бўлади. Зотан, Имом Воҳидий то Ибн Аббосга етиб борадиган санади нақл қилган ривоятда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар:

“Мендан ҳадис ривоят қилишда тақво қилинганлар, фақат билган нарсангизнигина гапиринг. Зеро, кимки менга нисбатан қасддан ёлгон гапирса, жойини дўзахдан ҳозирлайверсин! Ким Қуръон ҳақида илмсиз гапирса, бас, жойини дўзахдан ҳозирлайверсин!” (Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад Найсобурий, 1992).

Шунга кўра, оятнинг нозил бўлиш сабаби саҳобадан нақл қилинган бўлса, у мақбул ҳисобланади. Чунки барча саҳобалар ишончли бўлганлари сабабли уларнинг гаплари эътиборли саналади. Шунингдек, тобеиннинг саҳобага суянмасдан ҳадис деб айтган гапи ҳам бу борада марфуъ ҳукмида бўлади. Зеро, саҳобалардан таълим олган баъзи тобеинлар тафсир соҳасида етук муфассир даражасига етганлар. Макка тафсир мактабидан етишиб чиққан Саид ибн Жубайр (ваф. 95/714), Мужоҳид (ваф. 104/723), Икрима (ваф. 104/723), Товус (ваф. 106/725), Ато ибн Абу Рабоҳ (ваф. 114/733); Мадина тафсир мактабидан етишиб чиққан Абул Олия (ваф. 90/709), Муҳаммад Қуразий (ваф. 118/736), Зайд ибн Аслам (ваф. 136/754); Ироқ тафсир мактабидан етишиб чиққан Алкама ибн Қайс (ваф. 61/681), Масрук (ваф. 63/683), Асвад ибн Язид (ваф. 75/695), Мурра Ҳамадоний (ваф. 76/696), Омир Шаъбий (ваф. 109/728), Ҳасан Басрий (ваф. 110/729), Қатода (ваф. 117/736) каби тобеинлар табақасига оид муфассирларнинг оятларнинг нозил бўлиш сабаби ҳақида айтган гаплари бир-бирларини тўлдириб, қувватлаб келади ва эътиборга молик.

Демак, саҳоба ва тобеинлар сўзи, шунингдек, Қуръоннинг ўзида ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида, хусусан, тафсир китобларида: “Оятнинг нозил бўлиш сабаби мана бу”, деган гапнинг очик-ойдин айтилиши ёки юз берган ҳодиса баёнидан сўнг “демак...”, деган сўзнинг келиши ёхуд “Бу борада оят нозил қилинди” деган иборанинг ишлатилиши билан билиб олинади.

Гоҳида оят битта бўлиб, унинг нозил бўлиш сабаби бир нечта бўлиши мумкин. Бунда тўрт хил кўриниш бор: кўрсатилган сабабнинг биттаси саҳиҳ, биттаси ғайри саҳиҳ бўлиши; иккови ҳам саҳиҳ, бироқ ривоят жиҳатдан бири иккинчисидан устунроқ бўлиши; иккови ҳам саҳиҳ, бироқ бир-бировидан устунлик йўқ, шунинг учун икковини

ҳам биргаликда олиш мумкин бўладиган ҳолат; иккови ҳам саҳиҳ, бироқ бир-бировидан устунлик йўқ, бироқ икковини биргаликда олиш мумкин бўлмайди.

Биринчи суратда кўрсатилган сабабнинг биттаси саҳиҳ, биттаси ғайри саҳиҳ бўлади. Саҳиҳ ривоят ғайри саҳиҳ ривоятни рад қилади ва саҳиҳ ривоят қабул қилинади. Имом Бухорий ва Имом Муслим ва бошқа муҳаддислар Жундубдан ривоят қилишларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ёки икки кеча беморлик сабаб тунги ибодатга тура олмадилар. Шунда бир аёл келиб, “Эй Муҳаммад, ўйлашимча, шайтонинг сени тарк қилган кўринади!”, деди. Ўшанда Аллоҳ нозил қилди: **“Қасамёд этурман чоштгоҳ вақти билан ва (ўз зулмати билан атрофни) қошлаб турган тун биланки, (эй, Муҳаммад!) Раббингиз Сиздан воз кечгани ҳам йўқ, ёмон кўриб қолгани ҳам йўқ!”** (Зуҳо сураси, 1–3 оятлар).

Табароний ва Ибн Аби Шайба Ҳафс ибн Майсара (ваф. 181/798)дан ривоят қилинишича, кучук боласи Пайғамбар алайҳиссаломнинг уйларига кириб, сўри остида ўлиб қолади. Пайғамбар алайҳиссаломга тўрт кун ваҳий нозил бўлмасдан кечикади. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Эй Хавла, Расулulloҳнинг уйида нима бўлмоқдаки, Жаброил менга келмай қўйди?”*. Бас, ўзимча: *“Уйни тозалаб, супуриб-сидирсам”*, дедим-да, супурги билан сўрининг тагини тозаламоқчи бўлдим. Шунда кучук боласини чиқариб олдим. Пайғамбар алайҳиссалом келдилар, ияклари қалтирар эди. Қачон унга ваҳий нозил бўла бошласа, ул зотни қалтироқ тутар эди. Шунда Аллоҳ “Ваз-зуҳо” сурасини нозил қилди.

Бу ерда биринчи ривоят иккинчисига нисбатан афзал саналади. Чунки, иккинчи ривоятнинг иснодида ровийлар орасида танилмаган кимса бор. Аллома Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 852/1449) ҳам шундай деган: “Кучукча сабабли Жаброил алайҳиссалом қиссаси машҳур. Лекин у оятнинг нозил бўлиш сабаби бўлиши эҳтимоли кам. Унинг иснодида нотаниш кимса бор. Саҳиҳда келган ривоят мўътамадир” (Жалолиддин Абдуррахмон ас-Суютий, 2008).

Иккинчи сурат иккови ҳам саҳиҳ, бироқ санад жиҳатдан бири бошқасидан афзал бўлади. Бунда санад жиҳатдан кучлироқ бўлгани олинади. Ровийлардан бири бошқасига нисбатан ўша оят нозил бўлишга сабаб бўлган ҳодисани ўз кўзи билан кўрган, мушоҳада қилган бўлиши мумкин. Унинг мисолини Имом Бухорий Ибн Масъуддан (ваф. 32/650) келтирган қуйидаги ривоятда

кўриш мумкин: “Мен Мадинада Пайғамбар алайҳиссалом билан бирга кетаётган эдим. У зот хурмо шохига суянган ҳолда эдилар. Шунда яхудийлардан бир нафари ўтиб қолди. Улардан баъзиси Ундан (бирор нарса) сўранглар, деди. Улар: “Бизга руҳ ҳақида гапириб беринг!” дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бироз муддат (жимгина) туриб қолдилар. Бошларини кўтарганларида, мен у зотга ваҳий келаётганини пайқадим. Ваҳий тушиб бўлгандан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидаги оятни ўқидилар: «(Эй, Муҳаммад!) Сиздан руҳ ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “**Рух фақат Раббимнинг ишидандир**”. Сизларга эса оз илм берилгандир» (Исро сураси, 85-оят).

Энди, Имом Термизий (209/824–279/892) саҳиҳ деб Ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадиси шарифда бундай дейилади: “Қурайш қавми яхудийларга: “Бирон нарса ўргатсанглар, анави одам (Расулуллоҳ)дан нимадир сўрасак”, дедилар. Улар руҳ ҳақида ундан сўранг”, дедилар. Улар шу ҳақда сўрадилар. Аллоҳ таоло: “Сиздан руҳ ҳақида сўрайдилар” оятини нозил қилди”.

Бу ердаги иккинчи ривоятдан ҳодиса Маккада бўлиб ўтгани аён бўлади. Оятнинг нозил бўлиши қурайшликларнинг саволи сабабли бўлгани айтилди. Биринчи ривоятда эса Мадинада бўлиб ўтган воқеа сабабли оят нозил бўлгани яққол зикр этилди. Биринчи ривоят икки жиҳатдан иккинчисига нисбатан устунроқ ҳисобланади. Чунки Ибн Масъуд воқеанинг бошидан охиригача ўз кўзи билан кўрган ва шу жойда ҳозир бўлган. Бундан ташқари Бухорийнинг ривояти бошқаларникидан қувватлироқ саналади. Иккинчи ривоят ровийси Ибн Аббос ўша воқеанинг иштирокчиси бўлгани маълум эмас. Мана шу далилларга суяниб, биринчи ривоят устун деб ҳисобланади ҳамда оят нозил бўлиш сабабида ўша ривоят қабул қилинади. (Муҳаммад Али Собуний, 2019).

Учинчи суратда оят нозил бўлишига сабаб қилиб кўрсатилган ривоятлар саҳиҳлик жиҳатдан тенг бўлиб, уларнинг бир-биридан устун жиҳатлари йўқ. Шу билан бирга, ушбу икки ривоятни ҳам қабул қилиш мумкин. Яъни, икки воқеа бирданига ёки олдинма-кетин юз берган, унинг изидан дарҳол ёки бир оз вақт ўтиб оят нозил қилинган бўлади. Сабабларнинг бир неча бўлиши уларни қабул қилмасликка далил бўла олмаслиги мана шу ерда маълум бўлади. Демак, бу суратдаги далилни Имом Бухорий Икрима (ваф. 13/634) орқали Ибн Аббосдан ривоят қилган. Пайғамбар алайҳиссалом олдиларида Ҳилол ибн Умайя ўз хотинини Шарик ибн Саҳмо билан юрганликда айблади.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Хужжат ёки орқанга ҳадд (дарра)!” дедилар. У деди: “Ё Расулуллоҳ! Бизлардан биримиз хотинини бошқа одам билан тутиб олса, хужжат қидириб юрар экан-да!”. Сарвари коинот: “Хужжат ёки орқанга ҳадд (дарра)!” дедилар. Шунда у: “Сизни ҳақ билан юборган зотга қасамки, мен рост гапиряпман. Аллоҳ таоло менинг орқамни ҳаддан озод қиладиган (оятларни) албатта нозил қилади”, деди. Аллоҳ таоло мана бу оятни нозил қилди: «**Ўзларидан бошқа гувоҳлари бўлмаган ҳолда ўз хотинларини (бузуқ деб) бадном қиладиган (эр)ларнинг ҳар бири ўзини албатта, мен ростгўйлардан деб, Аллоҳ номига тўрт (марта) гувоҳлик бериши (талаб қилинади). Бешинчиси (яъни гувоҳлиги): “Агар ёлғончилардан бўлсам, менга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!”** (дейишидир). “У (яъни эрим) албатта ёлғончилардан”, - деб Аллоҳ номига тўрт марта гувоҳлик бериши, ундан (аёлдан) жазони даф қилур. Бешинчиси (яъни гувоҳлиги): “Агар (эрим) ростгўйлардан бўлса, унга (менга) Аллоҳнинг ғзаби бўлсин!” (дейишидир)» (Нур сураси, 6–9-оятлар).

Имом Бухорий ва Имом Муслим Саҳл ибн Саъд (ваф. 90/710) (р.а.)дан ривоят қилади: Уваймир ибн Набр (ваф. 11/633) Осим ибн Адийнинг (ваф. 45/666) олдига келиб: “Хотинини бир кимса билан тутиб олган киши ҳақида нима дейсизлар, уни ўзи ўлдирадими ёки сизлар ўлдирасизми? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу ҳақда мен учун сўраб беринг”, деди. Осим Пайғамбар алайҳиссаломнинг олдиларига келиб: “Ё Расулуллоҳ!” деб бу ҳақда сўради. Имом Муслим ривоятида Осим Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраганида, у зотга бу савол ёкмади ва уни айбладилар. Бас, Уваймир айтади: “Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўша саволни ўзим сўрагунимча тинчимаيمان!”. Сўнгра Уваймир келиб: “Эй Аллоҳнинг элчиси! Бир киши хотинини бошқа бир одам билан бирга топса, уни ўзи ўлдирадими ёки сизлар ўлдирасизларми ёхуд нима қиласизлар?”, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Сен ва хотининг ҳақида Қуръон (ояти) нозил қилинди!”, дедилар.

Мазкур икки ривоят саҳиҳ бўлиб, бир бошқасидан устунлик жиҳати кўринмайди. Юқорида ўтган икки ҳодиса ҳам бир-бирига яқин вақтда содир бўлганини эътибор қилиб, икки ривоят ҳам қабул қилинади. Мана шундай қилиш бир ривоятни олиб, бошқасини олмасликдан яхшироқ, албатта. Икковини тарк қилиш мумкин эмас, чунки иккови ҳам саҳиҳ.

Тўртинчи суратда иккови ҳам саҳиху, бир-бировидан устунлик йўқ, бироқ икковини биргаликда олиш мумкин бўлмайди. Чунки кўрсатилган сабаблар ораси бир-бирдан узоқ бўлгани учун уларни бирга олиб бўлмайди. Шунинг учун оятни мана шу икки ривоят орқасидан бир марта ёки такроран нозил қилинган деб ҳисобланади. Бунинг мисолини Имом Байҳақий ва Баззор Абу Ҳурайрадан ривоят қилганлар: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳамза (3/625) шаҳид қилинганда. У зот унинг тепасида туриб “Сенинг ўрнингга у (кофир)лардан етмиштасини поралаб ташласам”, дедилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам турар эканлар, Жаброил “Наҳл” сурасининг охириги оятларини нозил қилди: “(Эй, имон келтирганлар!) **Агар интиқом олмоқчи бўлсангиз, у ҳолда фақат сизларга етказилган зиён баробарида интиқом олингиз! Агар (интиқом олмай) сабр қилсангиз, албатта, бу сабр қилувчи кишилар учун яхшироқдир. (Эй, Муҳаммад!) Сабр қилинг. Сабр қилишингиз эса фақат Аллоҳ (ёрдами) билангина мумкиндир. Уларга (яъни мушрикларнинг қилмишлари сабабли) ғамгин бўлманг! Уларнинг макр қилишларидан сиқилманг ҳам! Зотан, Аллоҳ тақволи бўлганлар ва эзгу иш қилувчилар билан (ҳамиша) биргадир**” (Наҳл сураси, 126–128 оятлар).

Имом Термизий ва Ҳоким Убай ибн Каъбдан (ваф. 32/653) ривоят қиладилар: “Уҳуд ғазоти бўлганда ансорийлардан олти тўрт ва муҳожирлардан олти нафари шаҳид бўлди, улар орасида Ҳамза ҳам бор эди, уни пора-пора қилган эдилар. Мадиналик ансорлар: “Агар бизга яна шундай кун (жанг қилиш имкони) келса, уларга ортиғи билан жавоб берурмиз!”, дедилар. Макка фатҳида, Аллоҳ “Ва ин ьоқабтум...” оятларини нозил қилди.

Биринчи ривоятдан оят Уҳуд ғазоти кунидан нозил бўлгани англашилмоқда. Иккинчи ривоятдан эса Макка фатҳида нозил бўлгани маълум бўлмоқда. Бу икки ҳодисанинг орасида бир неча йил ўтгани маълум. Орадаги вақтнинг узоқлиги эътиборга олинса, оят икки ҳодисадан сўнг нозил қилинганга ҳам ишонил қийин. Шунингдек, оятнинг Уҳуд ғазотидан сўнг Макка фатҳи кунини такрор нозил бўлгани ҳақида далиллар мавжуд эмас. Баъзи уламолар “Наҳл” сурасининг ҳаммаси Маккий (Маккада нозил қилинган) сура, деганлар. Суранинг охириги уч ояти Маккада қайта нозил бўлган, дейдилар. Баъзи уламолар эса “Наҳл” сурасининг ҳаммаси охириги уч оятдан ташқари Маккада нозил қилинган, дейдилар.

Оятлар такрор нозил қилинишида жуда катта ҳикматлар борлиги шубҳасиз. Юқоридаги Наҳл сурасининг охириги уч оятининг мазмунида инсониятнинг амал қилиши лозим бўлган буюк ҳақиқатларга даъват мавжуд. Бинобарин, улар қайта-қайта нозил қилиниши мусулмонларнинг амал қилишига, эслаб қолишига бир имконият ҳисобланади. Худди шундай, такроран нозил қилинган оятларнинг даражаси бошқаларидан улуғроқ эканини таъкидлаш мақсадида ҳам қайта нозил қилиниши мумкин. Жумладан, “Фотиҳа” сурасининг икки бор нозил қилинишини эслашимиз мумкин. Имом Суютий “ал-Итқон фи улум ал-Қуръон” асарида айтишига қараганда, “Ихлос” сураси ҳам Макка ва Мадина мушрикларининг саволига жавоб тариқасида икки марта нозил қилинган. Мана шу хилда руҳ ҳақидаги Исро сурасининг 85-ояти, Рум сурасининг аввали ҳам такроран нозил бўлганини уламолар таъкидлаганлар.

Юқорида бир неча сабаб билан бир оят нозил қилиниши айтиб ўтилди, баъзида бир сабаб билан икки ва ундан кўп оятлар нозил қилинганга ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Бунда халқни ҳидоят қилиш, ҳожат вақтида ҳақиқатни баён этиш, одамларни ишонтириш каби ҳикматлар яширин бўлади.

Бир сабаб билан икки оят нозил бўлганга мисол шуки, Ибн Жарир Табарий ва Табароний Ибн Аббосдан келтирилган ривоятда айтилган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дарахт соясида ўтириб шундай дедилар: “*Яқинда сизларга шайтоннинг икки кўзи билан қарайдиган инсон келади, у келса, унга гапира кўрманглар!*”. Ҳали (саҳобалар билан бирга) туриб кетмаган эдилар, икки кўзи кўм-кўк киши келиб қолди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни чақирдилар ва дедилар: “*Нима учун сен ва шерикларинг мени сўқдинглар?!*”. У кетди ва шериклари билан қайтиб келди-да, айтганларига Аллоҳга қасам ичдилар, ҳатто (Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам) улардан (гуноҳларини) ўтдилар. Аллоҳ таоло нозил қилди: “**(Ёмон сўз) айтмадик, деб қасам ичадилар. Ҳолбуки, куфр сўзини айтганлар ва ислом (динини қабул қилган)ларидан кейин (яна) куфрга қайтганлар ҳамда ета олмаган нарсаларига қасд қилганлар. Аллоҳ ва (Унинг) Расули уларни (Пайғамбар ва саҳобаларини) фазли (ўлжалар) билан бойитиб қўйгани учунгина (мунофиқлар) уларни ёқтирмадилар. Бас, агар тавба қилсалар, ўзлари учун яхши. Бордию, бош тортсалар, Аллоҳ уларни ҳам бу дунё, ҳам охирада аламли азоб билан азоблагай. Ер (юзи)да уларга на бир**

дўст ва на ёрдам берувчи бор” (Тавба сураси, 74-оят). Энди, айна шу ҳикоятни Имом Аҳмад (164/781–241/855) ва Ҳоким ҳам келтириб, Аллоҳ бошқа бир ояти каримани нозил қилганини айтадилар: **“У кунда (қиёматда) Аллоҳ уларнинг барчаларини қайта тирилтирганда, улар худди сизларга ҳозир қасам ичаётганларидек, У зотга ҳам қасам ичурлар ва ўзларига (қасамлари сабабли) бирор нарса (фойда) бўлади деб ҳисоблайдилар. Огоҳ бўлингизки, албатта, улар айнан ёлғончилардир! Уларни шайтон эгаллаб олиб, уларга Аллоҳнинг зикрини унуттирди. Ана ўшалар шайтоннинг ҳизби (гуруҳи)дирлар. Огоҳ бўлингизки, албатта, шайтон ҳизби зиён кўрувчидир!”**, оятларини нозил қилди. (Мужодала сураси, 18–19-оятлар).

Демак, юкоридаги битта сабаб билан бу ердаги икки сурадаги икки оят нозил қилинган.

Битта шахс туфайли бир неча оятлар нозил қилинган ҳолатлар ҳам учрайди. Саъд ибн Аби Ваққос (ваф. 55/674) сабабидан Аллоҳдан тўртта ҳукм тушгани маълум. Буни Имом Бухорий ўзининг “ал-Адаб ал-муфрад” асарида шундай нақл қилган: Саъд ибн Аби Ваққос айтади: “Аллоҳ азза ва жалланинг китобидан мен ҳақимда тўртта оят тушган. Онам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан айрилмагунимча емасликка ва ичмасликка қасам ичган эди. Аллоҳ таоло: **“Агар улар (яъни ота-онанг) сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этма! Уларга (гарчи кофир бўлсалар-да,) дунёда яхши муомалада бўлгин...”** (Лукмон сураси, 15-оят) оятини нозил қилди. Иккинчиси, мен (ўлжага тушган) бир қилични ушлаб кўрган эдим. У менга жуда ёқиб қолди ва мен: “Эй Расулulloҳ, бу қилични менга беринг!” дедим. Шунда: **“Сиздан (эй, Муҳаммад!) ўлжалар ҳақида сўрайдилар...”** (Анфол сураси, 1-оят) нозил қилинди. Учунчиси, мен касал бўлиб қолдим, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени кўргани келдилар. **“Эй Аллоҳнинг элчиси, мен молимни тақсимлашни хоҳладим. Ярмини (Аллоҳнинг йўлига) васият қилайми?”** дедим. У зот: **“Йўқ”**, дедилар. Мен эса: “Учдан бирини (васият қила қолай)”, деганимда, сукут қилдилар. Шундан сўнг учдан бирини (васият қилишда) жоиз бўлди. Тўртинчиси, мен ансорийлардан бир гуруҳи билан май ичган эдим. Улардан бир киши мени урди... Ўшанда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдидарига (шикоят қилиб) келдим. Шунда Аллоҳ азза ва жалла майни харом қиладиган ҳукмларни нозил қилди”. Худди шу

тарзда бир неча оятларнинг нозил бўлишига сабаб Умарда ҳам содир бўлган.

Қуръон ҳукмлари ва маъноларини таҳқиқ қилган уламолар баъзи оятларда сабаб хос бўлса ҳам, лафз умумий бўлиши ёки ҳукм умумий бўлиши мумкинлигини аниқлаганлар. Масалан, “Денгиз сувига таҳорат олиш мумкинми?” деган саволга “ҳа” ёки “мумкин” деб берилган жавобда ўша киши ҳам, бошқалар ҳам денгиз сувига таҳорат олиши жоизлиги келиб чиқади. “Сенга мумкин” дейилса, фақат унинг ўзига мумкин бўлар эди. Ояти карималарда ҳам шундай ҳолатлар кузатилади. Мисол тариқасида “Лайл” сурасидаги оятларни келтириш мумкин: **«Тақволи киши эса ундан (дўзахдан) узоқлаштирилур. Қайсики, у молдавлатини (яхшилиқ йўлида) сарф қиладиган бўлса. Унинг (сарф қилувчининг) ҳузурда (зиммасида) бирор кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир. У фақат энг олий зот бўлмиш Парвардигорининг “юзи”ни истаб (эҳсон қилур). (У) яқинда (қиёмат куни ато этилажак мукофотдан) рози бўлур»** (Лайл сураси, 17–21-оятлар). Мазкур ояти каримадаги “тақволи киши” Абу Бакр Сиддиқ (ваф. 13/634) бўлиб, у Билолни (ваф. 20/641) сотиб олиб, озод қилгани учун назарда тутилаётган эди. Бироқ, ҳукм умумий бўлиб, ҳар қандай тақволи, Абу Бакр Сиддиқ каби ишларни амалга оширган кимсалар оят каримада ваъда қилинган мукофотга лойиқ бўлади, албатта. Шунга ўхшаш зиҳор оятининг нозил бўлишига Авс ибн Сомитнинг (ваф. 32/655) хотини Хавла бинти Ҳақимни зиҳор қилгани сабаб бўлган эди. Бироқ унинг ҳукми умумий бўлиб, хотинини зиҳор қилган барча мусулмонлар ушбу оятда баён қилинган каффоратни тўлашга мужбур ҳисобланади. Бироқ, хос сабаблардан умумий маъно олишда фикхий мазҳаблар орасида баъзи ўринларда фарқ борлигини унутмаслик лозим. Шунинг учун хос сабаб билан нозил қилинган оятни хослаб олиш ёки уни умумий қилиб олиш ёки умумий лафз билан келган оятни хослаб олиш мумкинлигини тафсир, усули фикҳ ва қўшимча фанларни чуқур ўрганиш орқали англанади.

Оятларнинг нозил бўлиш сабабларини аниқлашда баъзида ортиқча фикр билдиришлар ҳам учраб туради. Яъни, баъзи қуръоний қиссаларни ана шу оятларнинг нозил бўлиш сабаби деб аташ кўзга ташланади. Бу унчалик тўғри эмас. Масалан, ҳабашларнинг Маккага келишларини “Фил” сурасининг нозил бўлиш сабаби, дейиш қабилар. Чунки, бундай қиссалардан муксад фақат улардан умматларга хабар бериш, огоҳлантириш, ибрат олиш кўзда тутилган. Қиссанинг ўзи оятнинг нозил бўлиш сабаби бўлмаган.

НАТИЖА

Оятларнинг нозил бўлиш сабабларини ўрганган олимлар баъзи оятлар нозил бўлгандан анча кейин унинг ҳукми маълум бўлганлигини аниқлаганлар. Буни “оятнинг нузули ҳукмга муқаддам бўлиши” деб аталади. Яъни, баъзи оятларнинг маъноси, ундаги ҳукм тушунарсиз, мужмал бўлиб туради, кейинроқ оятнинг нимага қаратилгани, унинг ҳукми аниқроқ ифодаланади. Бунга мисол қилиб: **“Нажот топувчи одам, ҳақиқатан, (куфр ва гуноҳлардан) пок бўлур”** (Аъло сураси, 14-) ояти каримасини келтирадилар. Имом Байҳақий ривоят қилишича, Ибн Умар ушбу ояти каримани Рамазонда адо этиладиган фитр закоти ҳақида нозил қилинган, деган. Яъни, нажот топувчи одам фитр закотини берур. Гап шундаки, Аъло сураси Маккада нозил қилинган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккада яшаган пайтлари ҳали Рамазон ҳам, унинг фитр садақаси адо этиладиган куни ҳайит ҳам буюрилмаган эди. Демак, оятдаги ҳукм мусулмонларга кейинчалик аниқ маълум қилинган.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, баъзи ояти карималарнинг ҳақиқий маъноси ва ундаги ҳукм кейинчалик маълум бўлган. Бундай ояти карималарнинг ҳақиқий маънолари кейинги асрларда ҳам аниқланган ва уларнинг тўла маъноси ошқора бўлган. Жумладан, Қуръонда баён этилган баъзи илмий ҳақиқатлар XX асрга келибгина маълум бўлди. Зотан, Қуръони каримнинг ҳукми қиёматгача сақланиб қоладиган китоб ҳисобланади. Унинг янги-янги маънолари бундан кейин ҳам очилиб бораверади.

ХУЛОСА

“Сабаби нузул” илми Қуръони карим оятларида назарда тутилган маъноларни тушунишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. У орқали оятларни тўғри талқин қилиш ва изоҳлаш имконияти юзага келади. Шу сабабли саҳобийлар, тобеинлар ҳамда улардан кейинги даврларда яшаган олимлар ушбу илмнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Таъкидлаш ўринлики, оятларнинг нозил бўлиш сабаблари дастлаб оғзаки тарзда нақл қилинган, сўнгра тафсир ва ҳадис китобларига киритила бошлаган ҳамда вақт ўтиши билан алоҳида мустақил илм сифатида ажралиб чиққан.

Оятларнинг нозил бўлиш сабабларидан хабардор бўлиш Қуръони каримнинг тафсири, унинг ҳукмларини тўғри англаб етишда ва улардан

мавҳумликни кетказишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки муайян сабабларга боғлиқ ҳолда нозил бўлган оятларни ушбу илмсиз англаш мушкул.

Айниқса, муфассир ва фақиҳлар бу илмга бошқалардан кўра кўпроқ муҳтож бўладилар. Ҳозирги даврда дин никоби остида фаолият кўрсатаётган турли фиркалар ўзларининг ғаразли максادلари йўлида далил сифатида келтираётган оятларнинг ҳақиқий маънолари сабаби нузулни билиш билан ошқор бўлади ва уларнинг даъволарига алданиб қолишнинг олди олинади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад Найсобурий. (1992). *Асбаб ан-нузул*. Даммом: Дор ал-ислоҳ.
2. Бадриддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ аз-Заркаший. (йили кўрсатилмаган). *Ал-Бурҳон фий улуи ал-Қуръон*. Ж.4. Миср: Мавкеъ Яъсуб.
3. Ёқут ал-Ҳамавий. (1906). *Мўъжам ал-булдон*. Ж. VII. Миср: (нашриёти кўрсатилмаган).
4. Жалолиддин Абдурахмон ас-Суютий. (1908). *Бугъйат ал-вуот фий табақот ал-луғавийийин ва-н-нуҳот*. Миср: (нашриёти кўрсатилмаган).
5. Жалолиддин Абдурахмон ас-Суютий. (2008). *Ал-Итиқон фи улуи ал-Қуръон*. Байрут: Муассаса ар-рисала.
6. Ибн Халликон. (1893). *Вафийёт ал-аъён*. Ж.2. Истанбул: (нашриёти кўрсатилмаган).
7. Имом Бухорий. (2006). *Ал-Адаб ал-муфрад*. Тошкент: Мовароуннаҳр.
8. Котиб Чалабий Ҳожи Халифа. (1893). *Кашф аз-зунун*. Ж.2. Истанбул: (нашриёти кўрсатилмаган).
9. Манноъ ал-Қатгон. (1980). *Мабоҳис фий улуи ал-Қуръон*. Байрут: Муассасат ар-рисола.
10. Муҳаммад Абдулазим аз-Зарқоний. (1943). *Маноҳил ал-ирфон фий улуи ал-Қуръон*. Миср: Дор ихё кутуб ал-арабия.
11. Муҳаммад Али Собуний. (2019). *Ат-Тибыан фи улам ал-Қуръан*. Истамбул: Дор ас-сирож.
12. Тожддин ас-Субкий. (1906). *Табоқот аш-шофеъия*. Ж. 6. Миср: (нашриёти кўрсатилмаган).
13. Ҳусайн Воиз ал-Кошифий. (1298). *Тафсири Ҳусайний*. Мўмбай: Ҳайдарий матбааси.
14. Шамсиддин аз-Заҳабий. (йили кўрсатилмаган). *Табақот ал-ҳуффоз*. Ж.4. Ҳайдаробод: (нашриёти кўрсатилмаган).